

«РҮЙХАТГА ОЛИНГАН»

492 - СОН

2018 ЙИЛ «30» НОЯБРЬ

«ТАСДИКЛАНГАН»

АТ «АЛОҚАБАНК» КЕНГАШИННИГ
2018 ЙИЛ «10» НОЯБРДАГИ
92 – СОНЛИ БАЁННОМАСИ

Кенгаш Раиси



АТ «АЛОҚАБАНК»

ФАОПИЯТИНИ КЕНГАЙТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ БҮЙЧА

2019 ЙИЛ

БИЗНЕС-РЕЖАСИ

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
1. ЖОРИЙ ХОЛАТ ТАХЛИЛИ	3
1.1. Республикадаги макроиктисодий тенденциялар.....	3
1.2. Банк тизими холати тахлили.....	5
1.3. Банкнинг бозордаги ўрни ва бугунги кундаги молиявий холати.....	6

2. БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ	
2.1. Мижозлар базаси	7
2.2. Банк активлари ва капитали.....	8
2.3. Корпоратив мижозларни кредитлаш фаолияти.....	8
2.4. Жисмоний шахсларни кредитлаш фаолияти.....	9
2.5. Ташибки иқтисодий фаолият.....	9
2.6. Электрон тиҷоратни ривожлантириш.....	10
2.7. Банк инфратузилмасини ривожлантириш.....	12
2.8. Ахборот технологиялари.....	12
2.9. Кадрлар сиёсати.....	13

3. МОЛИЯВИЙ КҮРСАТКИЧЛАР (ДАРОМАД, ХАРАЖАТ ВА ФОЙДА)

ИЛОВАЛАР

1. АТ "Алоказабанк"нинг 2019 йил учун асосий кўрсаткичлари режаси
2. АТ "Алоказабанк"нинг 2019 йилга мўлжалланган ривожланиш истикболлари
3. АТ "Алоказабанк"нинг моддалар кесимидағи молиявий кўрсаткичлар бўйича 2019 йилга режа
4. АТ "Алоказабанк"нинг 2019 йил учун мўлжалланаётган даромад, харажат ва фойда кўрсаткичлари прогнози

КИРИШ

Мазкур бизнес-режа АТ "Алoқабанк" томонидан 2019 йилда амалга оширилиши режалаштирилган чора-тадбирларни ўзида акс эттирадиган молиявий режа хисобланади.

Акционерлик-тижорат "Алoқабанк" (кейинги ўринпарда "Банк") Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1994 йип 12 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш, реконструкция қилиш ва уларнинг сифатини яхшилаш чора-тадбирлари түғрисида"ги 502-сонли Қарорига асосан ташкил этилган.

Банк ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2017 йил 21 октябрдаги 48-сонли банк операцияларини амалга ошириш учун лицензияси асосида олиб боради.

Банк томонидан халқаро «Moody's» рейтинг компаниясининг барқарор рейтинг баҳоларини олишга муназамаравища Эришиб келинмоқда. Жумладан, «Moody's» рейтинг компанияси 2018 йилнинг январь ойида банк рейтингини қайта тасдиқлаб:

- миллий валютадаги депозитлар бўйича – **B1/NP;**
- хорижий валютадаги депозитлар бўйича – **B2/NP;**
- барча рейтинглар бўйича – "Барқарор" баҳосини берди.

Шу билан бирга «Ахбор-рейтинг» миллый рейтинг компанияси 2018 йилнинг февраль ойида банкка "изА+" (Юқори) кредитга лаёқатлийк рейтингини берди.

1. ЖОРИЙ ХОЛАТ ТАҲЛИЛИ

1.1. Республикадаги макроиктисодий тенденциялар

Мамлакатимизнинг 2018 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор йўналишлари изчил амалга оширилиши ва пухта ўйланган макроиктисодий ҳамда фаол таркибий сиёсатнинг давом этирилиши жорий йилнинг тўққиз ойида мамлакатимизда юқори иқтисодий ўсиш суръатларини саклаш ва макроиктисодий барқарорликни таъминлаш имконини берди.

2018 йилнинг январь-сентябрида ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) хажми жорий нархларда 244 343,7 млрд. сўмни ташкил этди. ЯИМнинг ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 105,2 фоизни ташкил этди. Иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯИМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат килди. Жумладан, қишлоқ, ўрмон ва балик хўжалиги тармоғининг ўсиш суръати 101,3 фоиз, (ЯИМ таркибидаги улуши – 15,1 фоиз), саноат - 106,3 фоиз (26,2 фоиз), курилиш - 107,4 фоиз (6,2 фоиз), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар - 104,1 фоиз (8,0 фоиз), ташиш ва саклаш, ахборот ва алоқа - 106,9 фоиз (8,9 фоиз)

Ва хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар - 106,4 фоиз (35,6 фоиз) ни ташкил қилди.

Ўзбекистон Республикасининг асосий макроиктиносидий кўрсаткичларининг 2018 йил январь-сентябрь ойларидағи ўзгариш динамикаси

Кўрсаткичлар	Утган йилнинг мос даврига нисбатан ўзгариш, фоизда
Ялпи ички маҳсулот	105,2
Саноат	106,3
Кишилөк хўжалиги	101,3
Асосий капиталга инвестициялар	104,5
Хизматлар, жами	105,8
Курилиш	107,4

2018 йилнинг январь-сентябрида ЯИМ таркибида хизматлар соҳасининг улуши 52,5 фоизни ташкил қилди, бу эса 2017 йилнинг январь-сентябрига нисбатан 1,8 пунктта кўпдир (50,7 фоиз). Жумладан, ташиш ва саклаш, ахборот ва алoқa хизматлари 4,2 пунктга камайди ва хисобот даврида 8,9 фоизни ташкил қилди. Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар упуши 3,6 пунктга камайди ва 8,0 фоизни ташкил қилди, хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар улуши 2017 йил январь-сентябрдаги 26,0 фоиздан 2018 йил январь-сентябрда 35,6 фоизга ошиди.

2018 йилнинг 9 ойлигига товар ва хизматлар нархлари даражаси ўртача 8,1%га ўсган. Бунда утган йилнинг йилнинг мос даврига нисбатан озиқ-овқат товарлари нархларининг ўсиш тенденцияси кузатилмоқда. Шу тарика, якъол инфляцион жараёнлар озиқ-овқат товарлари нархлари динамикасида ўзини намоён қилди, бунда уртacha ойлик ўсиш суръати 0,8 фоизни, 2018 йилнинг январь-сентябрда 7,4 фоизни ташкил этди. Хизматлар эса 2018 йилнинг январь-сентябр ойида 2017 йилнинг декабрь ойига нисбатан 10,4 фоизга кимматлашди.

Республика саноат корхоналарида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ҳамда ишлаб чиқариш кувватларини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш жараёнларининг жадаллашиши натижасида 2018 йилнинг январь-сентябрь ойларида 114,8 трлн. сумлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши таъминланиб, ўсиш суръати 2017 йилнинг тегишли даврига нисбатан 108,3 фоизни ташкил этди. 2018 йил январь-сентябрида ахолининг ўртacha хисобланган иш хаки 1 684,5 минг сўмни ташкил этиб, утган йилнинг мос даврига нисбатан 22,9 фоизга ошиди.

1.2. Банк тизими холати таҳлили

2018 йил 1 октябрь холатига тижорат банкларинг жами капитали ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **8,4 трлн.** сўм ёки **150,3 фоизга ўсиб, 25,1 трлн.** сўмни ташкил этди. Банк активлари ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **41,1 трлн.** сўм ёки **125,5 фоизга ўсиб, 202,3 трлн.** сўмни ташкил этди.

Банкларининг молиявий барқарорлигини янада мустаҳкамлаш борасида амалга оширилган самарали чора-тадбирлар мамлакатимиз тижорат банкларига кредитта лаёқатлилик бўйича тақдим этилган халқаро рейтингларини яхшилашга ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда. Хусусан, «Moody's» халқаро рейтинг агентлиги ўзбекистон банк тизими ривожланиш истиқболларига берилган «барқарор» даражадаги рейтинг баҳосини еттинчى йипидирки қайта Тасдиқлаб келмоқда. «Standard & Poor's» ва «Fitch Ratings» рейтинг агентликлари ҳам ўзбекистон банк тизими фаолиятини «барқарор» сифатида бахоламоқда. Ҳозирги пайтда Республика мизда фаолият кўрсатайтган деярли барча тижорат банклари катта учликни ташкил этувчи «Moody's», «Standard & Poor's» ва «Fitch Ratings» халқаро рейтинг агентликларининг ижобий баҳоларига эгалар.

Банклар томонидан жорий йил учун устувор вазифа этиб белгилangan саноатда юкори технологияли ва замонавий бўлган энг муҳим обьектлар ҳамда кувватларни ишга тушириш, мамлакатда ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан янгилаш ва модернизациялашга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Хусусан, хисобот даврида иктисадиётнинг реал секторига йўналтирилган кредитларнинг умумий ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **46,2 трлн.** сўм ёки **144,8** фоизга ошиб, 2018 йилнинг 1 октябрь холатига **149,4 трлн.** сўмни ташкил этди.

Кинички бизнесни ривожлантириш учун кулай ишбилиармонлик муҳитини шакллантириш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш борасида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди ва натижада соҳа субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **16,2 трлн.** сўм ёки **170,4** фоизга ошиб, 2018 йилнинг 1 октябрь холатига **39,1 трлн.** сўмни ташкил этди.

Мамлакатимиз банкларининг барқарор ҳолати, банк тизимига бўлган ишончнинг йилдан-йилга ошиши ҳамда аҳоли реал даромадларининг ўсиб бориши аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини депозитларга жалб қилишининг мустаҳкам асоси бўлиб хизмат қилимокда.

Бу ўз навлатида, банкларнинг жами депозитлари миндори ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **8,9 трлн.** сўм ёки **115,3** фоизга ошиб, 2018 йилнинг 1 октябрь холатига **67,2 трлн.** сўмни ташкил этди.

Республика мизда нақд пулсиз хисоб-қитоблар тизимини янда ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Муомалага

ЧИКАРИЛГАН ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛарНИНГ УМУМИЙ СОНИ БУГУНГИ КУНГА КЕЛИБ **18,0 МЛН.** ДОНДАн ОШИБ, САВДО ВА ХИЗМАТ КУРСАТИШ ШАХОБЧАЛАРИГА ЎРНАТИЛГАН ХИСОБ-КИТОБ ТЕРМИНАЛЛАРИ СОНИ **244,2 МИНГ** ДОНА ХАМДА ЎРНАТИЛГАН БАНКОМАТ ВА ИНФОКИОСКЛАР СОНИ **6,3 МИНГ** ДОНДАГА ЕТДИ.

1.3. БАНКНИНГ БОЗОРДАГИ ЎРНИ ВА БУГУНГИ КУНДАГИ МОЛИЯВИЙ ХОЛАТИ

АТ "АЛОҚАБАНК" НИНГ 2018 ЙИЛНИНГ 9 ОЙЛИК ФАОЛИЯТИ ЯКУНЛАРИ БАНК КҮРСАТКИЧЛАРИНИНГ БАРҚАРОР ВА МУВОЗАНАТЛАШГАН ЎСИШНИ ТАЪМИНЛАШ ХАМДА РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШГА ЙЎНАЛТИРИПДИ. БАНК АКТИВЛАРИ ЎТГАН ЙИЛНИНГ МОС ДАВРИДА НИСБАТАН **176,0** ФОИЗ, КРЕДИТ ПОРТФЕЛИ **277,2** ФОИЗ, ДЕПОЗИТ БАЗАСИ **148,5** ФОИЗ, ХУСУСИЙ КАПИТАЛ **407,5** ФОИЗ ХАМДА СоФ ФОЙДАСИ ЭСА **122,6** ФОИЗГА ОШДИ.

АТ "АЛОҚАБАНК" НИНГ БОЗОРДАГИ ЎРНИ
2018 ЙИЛ 1 ОКТАБРЬ ХОЛАТИГА

Кўрсаткичлар	млн. сўм	Этагллаган ўрни
Жами активлари	5 001 039	9
Кредит портфели	3 933 225	8
Депозит базаси	2 990 066	9
Хусусий капитал	1 103 493	8
Соф фойда	78 822	8

БАНКНИ СТРАТЕГИК РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ СИФАТИДА ЯНГИ БАНК ХИЗМАТЛАРИ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ ХАМДА ХИЗМАТ КУРСАТИШ СИФАТИНИ ОШИРИШ БУЙИЧА ФАОЛ ИШЛАР ОЛИБ БОРИПМОКДА.

БУГУНГИ КУНДА ТОШКЕНТ ШАХРИ, КОРАҚАПГОФИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА ВИЛОЯТ МАРКАЗЛАРИДА ЖОЙЛАШГАН **14** ТА ФИЛИАЛ, **27** ТА МИНИБАНК, **5** ТА КОМПЛЕКС ХИЗМАТЛАР КУРСАТИШ МАРКАЗИ, **57** ТА УНИВЕРСАЛ КАССА, **32** ТА ХАЛҚАРО ПУЛ ЎТКАЗИШ ХАМДА **29** ТА ВАЛЮТА АЙРIBОШЛАШ ШАХОБЧАЛАРИ ФАОЛИЯТ ЮРТИМОКДА.

2017 ЙИЛ 1 ОКТАБРЬ ХОЛАТИГА МИЖОЗЛАР БАЗАСИ **450 479** ТАНИ ТАШКИЛ ЭТДИ. БУ ЎТГАН ЙИЛГА (**391 329** ТА) НИСБАТАН **59 150** ТАГА КўПЛАЙИБ, ЎСИШ **115,1** ФОИЗНИ ТАШКИЛ ЭТДИ.

2018 ЙИЛ 1 ОКТАБРЬ ХОЛАТИГА БАНК АКТИVLARI **5 001,0** МЛРД. СУМНИ

ТАШКИЛ ЭТИБ, ЎТГАН ЙИЛНИНГ ШУ ДАВРИГА (**2 841,5** МЛРД. СУМ) НИСБАТАН **2 159,5** МЛРД. СУМ ЁКИ **176,0** ФОИЗГА ОШДИ.

БАНКНИНГ ДАРОМАД КЕЛТИРУВЧИ АКТИVLARI МИКДОРИ **4 120,1** МЛРД. СУМ БУЛИБ, ЎТГАН ЙИЛГА (**1 491,2** МЛРД. СУМ) НИСБАТАН **2 628,9** МЛРД. СУМГА ЁКИ **276,3** ФОИЗГА ОШДИ ХАМДА ЖАМИ АКТИVЛАРДАГИ САЛМОГИ **82,4** ФОИЗНИ ТАШКИЛ ЭТДИ.

2018 ЙИЛ 1 ОКТАБРЬ ХОЛАТИГА БАНКНИНГ ХУСУСИЙ КАПИТАЛИ

1 103,5 млрд. сүмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига (**270,8** млрд. сүм) нисбатан **832,7** млрд. сүм ёки **407,5** фоизга ошиди. 2018 йил 1 октябрь холатига банк томонидан аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектлардан жалб қилинган депозитлар (депозит сертификатлар хисобиға жалб қилинган маблағлар бундан мустасно) миқдори **2 990,1** млрд. сүмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига (**2 007,2** млрд. сүм) нисбатан **982,9** млрд. сүмга ёки **149,0** фоизга ортган.

2018 йил 1 октябрь ҳолатига банкнинг жами мажбурияятлари **3 897,5** млрд. сүмни ташкил этди ва ўтган йилнинг шу даврига (**2 570,6** млрд. сүм) нисбатан **1 326,9** млрд. сүм ёки **151,6** фоизга ўсди.

2018 йил 1 октябрь ҳолатига кредит портфели **3 933,2** млрд. сўмни ташкил қилди. Халқ хўжалигининг турли тармоқларига ажратилган кредитлар колдиги ўтган йилнинг шу даврига (**1 419,1** млрд. сүм) нисбатан **2 514,1** млрд. сўмга ошиб, ўсиш **277,2** фоизни ташкил этди.

Кредит портфелининг **3 846,2** млрд. сўми ёки **97,8** фоизини узок муддатли ва **87,0** млрд. сўми ёки **2,2** фоизини қисқа муддатли кредитлар ташкил этади.

2018 йил 9 ойлик якунлари бўйича олинган банк даромади **483,1** млрд. сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига (**260,2** млрд. сүм) нисбатан **222,9** млрд. сўмга ошиб, ўсиш **185,7** фоизни ташкил этди.

Харажатлар амалда **404,3** млрд. сўмни ташкил этди. Натижада, 2018 йил 9 ойлик якунлари бўйича банкнинг олган соғ фойдаси **78,8** млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига (**64,3** млрд. сүм) нисбатан **14,5** млрд. сўмга ёки **122,6** фоизга ошиди.

2018 йил 9 ойлик якунлари бўйича рентабеллик кўрсаткичи **19,5** фоизни ташкил этган.

2. БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

2.1. Мижозлар базаси

Банк томонидан мижозларга янада кулай шарт-шароит яратиш, замонавий технология ва инновациялардан самарали фойдаланиш хисобига мижозлар базасини кенгайтириш, шунингдек мижозларнинг банкка бўлган ишончини ҳамда ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлашга эришиш банкнинг асосий мақсадларидан бири сифатида белгилаб олindi.

Банк томонидан хизмат кўрсатиладиган юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар сонини 2019 йилда камидা **25 200** донадан ортиқ бўлишини таъминлаш кўзда тутилди.

2.2. Банк активлари ва капитали

Банк активларини башқаришда көлгусида стратегик йүнәлишларни белгилаш орқали молиявий барқарорликни таъминлаш, ликвидлык ва даромадлигини ЭНГ мақбул даражасига эришиш хамда банк таваккалчиларини оқилона бошқариш ишлари давом эттирилади.

2019 йилда банк активларини – **8 193,2** млрд. сўмга етказиши режалаштирилди хамда жами активлар таркибида даромад келтиручи активлар салмоғини ва сифатини ошириш кўзда тутилди.

Банк капиталининг етарли даражада ўсишини таъминлаш орқали капиталнинг монандлигига кўйилган талабларга риоя килиш мақсадида режалаштирилаётган йилда опинадиган соф фойда хисобига банк хусусий капиталини 2019 йил якунида **1 365,4** млрд. сўмга етказиши кўзда тутилди.

Банкнинг капиталлашув даражасини камида **17,2** фоиз мидорида ошириш режалаштирилди.

2.3. Корпоратив мижозларни кредитлаш фаолияти

2019 йилда банк томонидан хизмат кўрсатилаётган корхона ва ташкилотларнинг истиқболли инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш, шунингдек, ушбу корхоналар томонидан импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтириладиган махсулотларни ишлаб чиқариш ва унинг ҳажмини ошириш кўзда тутилган.

Мижозларга қисқа муддатли кредитлар ажратилишини жадаллаштириш орқали кредит портфели таркибидаги қисқа муддатли кредитлар ҳажми ва салмогини ошириш, инвестиция кредитларини молиялаштириш, кичик бизнэс ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилиладиган кредитлар ҳажмини янада кенгайтириш, кредит кўйилмаларини сифатли йўналтиришга қаратилган фаол кредит сиёсати олиб борилади.

Банкнинг ўз маблағлари хамда жалб қилинган маблағлар хисобига хўжалик юритувчи субъектларга 2019 йил мобайнида **2 700,0** млрд. сўм мидорида кредитлар ажратилишини таъминлаб, юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларга ажратилган кредитлар колдигини 2019 йил якунига қадар **4 750,0** млрд. сўмга етказиши белгиланди.

Шу билан бирга, хисобот йилида кредит ва гаров хужжатларини пухта расмийлаштириш орқали юқори сифатли кредит портфелини шакллантириш, кредитларнинг Шартномаларда белгиланган муддатларда қайтарилишини таъминлашга ҳам асосий эътибор қаратилади.

Кредит портфели сифатини яхшилаш, корпоратив мижозларга ажратилиган кредитларнинг ўз вактида тўлик қайтарилишини таъминлаш, шунингдек кредит маблағларининг даромадлигигини

Ошириш хисобига 2019 молиявий йилл якунларига кўра 770,0 млрд. сўмдан ортиқ даромад олиниши режалаштирилди.

2.4. Жисмоний шахсларни кредитлаш

2019 йилда жисмоний шахсларга қулай, тезкор ҳамда жозибадор истеъмол кредитлари турларини тақдим этиш орқали молиявий йип давомида жами **600,0** млрд. сўмлик кредитлар ажратилишини таъминлаб, жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар қолдигани **1 250,0** млрд. сўмга етказиши белгиланди.

2019 йилда жисмоний шахсларга ажратиладиган кредитлар бўйича жами **235,0** млрд. сўм, даромад олиниши кўзда тутилган. Юқорида кўрсатиб ўтилган кўрсаткичларга банк томонидан жисмоний шахсларга истеммол, ипотека, овердрафт ва авто кредитлар ҳамда микроқарзлар ажратиш хисобига эришиллади.

2.5. Халқаро иқтисодий муносабатлар

АТ «Алопқабанк» томонидан ташқи иқтисодий фаолиятни олиб боришидан кўзланган мақсад кўйидагилардан иборат:

- валюта операцияларини амалга ошириш билан боғлиқ барча хавф-хатарларни бошқариш учун ички тартибларни оптималлаштириш;

- банк фаолиятида халқаро тўловлар, халқаро тўлов чеклари, инвестицион фаолият, халқаро молия институтлари маблағларини жалб этиш, накд чет эл валютаси муюмаласи, халқаро кафилники фаол ривожлантириш;

- ўрнатилган вакиллик муносабатлари тизими орқали Мижозларнинг ташқи иқтисодий фаолиятини юритишилари учун кенг камровли банк хизматларини кўрсатиш, уларнинг маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ишларини жонлантириш;

- банк хизмати кўламини ошириш мақсадида Мижозларнинг экспорт-импорт операциялари бўйича амалга ошириладиган банк кафолати, аккредитив тўлов шаклларидаги хисоб-китоб тизимини амалга оширишда хорижий банк корреспондентлар хамкорлигида ишлаш кўламини кенгайтириш;

- халқаро валюта бозорларида қатнашиш ҳамда конверсион операциялар кўламини янада кенг қамровда амалга ошириш;

- Европа тикланиш ва тараккӣёт банки билан ҳамкорликини йўлга кўйиш;

- Хусусий секторни ривожлантириш бўйича Ислом Корпорациясининг 10 млн. АҚШ долллари миқдорида кредит линиясини жалб қилиш ҳамда ўзлаштириш;

- Commerzbank AG банкининг савдони молиялаш лимитини ошириш;

- Мижозлар томонидан амалга ошириладиган ташқи савдони жами 10 млн. АҚШ долллари миқдорида постфин хисобига молиялаш;

- Европа ва Осиё мамлакатларидағи етакчи банклар ва бошқа хорижий молия институтларидан жалб қылғынган кредит линиялари хисобига жами 5 млн. АҚШ доллари міндеріда лойихаларни мөлдіялаш;
 - Банкнинг ўз валюта маблағлари хисобидан миңжозларга жами 40 млн. АҚШ доллари міндеріда кредитлар ажратыш;
 - Иктисолдий ривожланған давлатлар банкпарида банкнинг вакиллік мұнасабаттарини үрнатыш бүйічә кенг қамровли ишлар олиб бориши;
 - Махалгий ва хорижий банкларнинг банкимизда вакиллик ҳисоб ракамларини очиши.
 - Марказий банкга тақдим этиладиган валюта амалиётлари бүйічә хисоботларни, шунингдек олинадиган даромадларни автоматлаштириш.

2.6. Электрон тијоратни ривожлантириш

Банк электрон тијорат соҳасида Ўзбекистон Республикаси Президенттинг 2018 йил 23 мартағи "Банк хизматлари оммаболоплигини ошириш бүйічә күшімча чора-тадбирлар түркесіда" ги ПҚ-3620-сонли ва 2017 йил 12 сентябрдаги "Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлыгыни ошириш чора-тадбирлари түркесіда" ги ПҚ-3270-сонли Қарорлары, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 4 декабрдаги "2016-2018 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида электрон тијоратни ривожлантириш концепциясینи тасдиқлаш түркесіда" ги ва 2016 йил 2 июняңдагы "Электрон тијоратда битимларни амалга ошириш тартибини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари түркесіда" ги Қарорларыда белгиланған вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда илғор ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланған ҳолда күрсатылаётган банк хизматлари күләмиини ва сифатини ошириш, ҳар бир мінжоз талабига жавоб беруучи эң замонавий банк хизматларини күрсатыши, түловларни электрон тарзда реал вакт режимінде қабул қылғынишини янада кенгайтириш, шунингдек, мавжуд автоматлаштирилған банк тизимларини яңғы стандартлаштирилған банк маҳсулотлары ва хизматлари асосида модернизация қилишни ассоций мәксад қылғыб қўйган.

2019 йилда электрон тијоратни янада ривожлантириш, янги банк хизматларини жорий қилиш, мавжуд хизматларни ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланған ҳолда замонавий хизматларга айлантириш, банк даромадлиларни ошириш ҳамда банкни республиканинг эң илғор банклари қаторидан жой олишини таъминлаш мәксадида куйидаги лойихаларни амалга ошириш режалаштирилған:

- банкда электрон тијорат инфраструктурының ҳамда интернет эквайрингни янада ривожлантириш натижасыда йил якунига қадар

53,3 млрд. сўм даромад олиш (2018 йилга нисбатан 1,8 баробар ортиқ);

- халқаро тўлов карталарининг онлайн эквайрингини йўлга кўйиш ҳамда хорижий валютадаги Е-POS терминаллари тармоғини кенгайтириш;

- Кореядан Ўзбекистонга халқаро пул ўтказмалари тизимини жорий қилиш;

- Банкнинг янги рақамли филиалини ташкил этиш, шунингдек, янги инновацион ва масофавий банк хизматлари кўрсатиш кўламини кенгайтириш;

- Мижозларга масофадан туриб электрон ҳамён очиш ва ҳамён орқали онлайн амалиётларни амалга ошириш имкониятларини яратиш;

- банкда халқаро тўлов тизимлари бўйича процессинг марказини ташкил этиш;

- банкнинг мобил дастурида QR-код орқали тўловларни амалга ошириш имкониятини яратиш;

- банклар билан мобил тўлов воситалари иштирокисиз, тўғридан тўғри картадан картага (P2P) пул ўтказмалари тизимини жорий қилиш;

- ЯУПМ ва кредит бюроси билан интеграция қилган ҳолда жисмоний шахсларнинг кредитта лаёқатлигингининг скорингини амалга ошириш ҳамда ушбу маълумотларни бошқа кредит ташкилотларига сотиш тизимини татбик этиш;

- Микрокредит ташкилотларининг ахборот тизимлари билан интеграция қилиш орқали микрокредитларни онлайн ажратиш ва сўндириш хизматини жорий қилиш;

- мобил илова орқали онлайн пластик карталар очишни йўлга кўйиш;

- юридик шахслар учун "Интернет-банкинг"нинг янги версиясини ишлаб чикиш;

Ушбу лойиҳаларни амалга ошириш натижасида 2019 йилда банк томонидан 56,6 млрд. даромад ва 19,2 млрд. ялпи фойда олиниши режалаштирилган.

2.7. Банк инфратузилмасини ривожлантириш

2019 йилда банкнинг инфратузилмасини ривожлантириш белгиланган бўлиб, филиаллар сонини **15** тага, минибанклар сонини **43** тага, универсал кассалар сонини **99** тага етказиши режалаштирилди.

2019 йилда банк томонидан янги хизмат турларини жорий қилиш, мижозларга турли хил кўшимча шарт-шароитлар яратиш орқали потенциал мижозларни жалб қилиш режалаштирилди.

2.8. Ахборот технологиялари

Ахборотпаштириш даражаси ва замонавий технологиялардан фойдаланиш ташки бозорда ҳам, ички бозорда ҳам банкнинг самарали

Иктисолдий ривожланишининг ва рақобатбардошлигининг асосий факторларидан бири бўлиб қолмоқда.

Банк томонидан тайёрланадиган барча хисоботларни тайёрлаш тизимини автоматлаштириш, банкнинг Амалиёт бошқармаси ва барча филиалларидаги операциюн бўлимлар фаолиятини оптималлаштириш орқали мижозларга кўшимча купайликлар яратиш кўзда тутилди.

"Интернет-банкинг", мобил-банкинг ва SMS-банкинг тизимидан фойдаланувчилар сонини ошириш, бунда омонатчиларнинг банкдаги ўз маблағларини масофарадан туриб назорат қилишлари, истаган вактда тўловларни ўтказишлари имкониятини жорий қилиш кўзда тутилган. Бундан ташқари банк мижозлари бўлган аксарият ташкилотларга "Интернет-банкинг" дастури орқали хизмат кўрсатиш режалаштирилган.

2019 йилда бош офис ва банк филиалларини серверлар, замонавий ишли стансиялар ва дастурий воситалар билан тъминлаш, мижозларга кўрсатилладиган хизматларни тезлаштириш, уларга кўшимча купайликлар яратишида янги имкониятлар жорий этиш ишларини давом эттириш кўзда тутилган.

Электрон рақамли имзо билан боғлиқ барча хизмат кўрсатиш тизимлари, электрон хисоботлар ягона электрон имзо билан амалга ошириши давом эттирилди.

Банкнинг расмий веб-сайтини такомиллаштириш ҳамда веб-сайт орқали тақдим этилаётган интерактив хизмат турлари сонини, шу жумладан транзакцион хизматларни кўпайтириш ҳамда ушбу хизматларни ягона интерактив давлат хизматлари порталига интеграциялашни ривожлантириш режалаштирилган.

2019 йилда банк ходимларини ва информацион технологиялар мутахассисларини малакасини оширишига алоҳида аҳамият берилади.

2019 йилда ахборотлаштириш инфраструктурасини автоматлаштиришини босқичма-босқич татбиқ этиш давом этади. Хусусан, банк автоматлаштирилган тизими серверларини янгилаш ҳамда корпоратив мъалумотлар омборини яратиш, аналитик мъалумотларни тайёрлаш ва кредит жараёнларини автоматлаштиришга мўлжалланган дастурий таъминотларни ўрнатиш режалаштирилган.

2.9. Кадрлар сиёсати

Банк раҳбарияти ходимлар салоҳиятини ривожлантиришини белгиланган стратегик вазифаларни амалга оширишининг асосий шарти сифатида кўради. Банк ходимлари меҳнатининг унумдорлигини ошириш, янги маҳсулотлар ва технологияларни оммавий тарзда жорий қилиш, ўрта бўғин раҳбарлари ҳамда мутахассислар ваколатини кенгайтириш ходимларни бошқариш тизимининг олдига янги максад билан бир каторда бошқа долзарб вазифалар кўйиллишини тақозо этади.

2019 йилда ахборот-коммуникация технологияларидан көнг фойдаланған холда ходимларни бошқаришининг замонавий тизимини жорий этиш асосий максадлардан бири сифатида белгиләнган. Бу йүнәлишда күйидаги вазифалар амалга оширилиши режалаштирилген:

- ходимларни танлаш, жой-жойига күйиш ҳамда ёш мутахассисларни меҳнат шароитига мослашиш (адаптация)
- ходимларни ривожлантириш, уларнинг малакасини ошириш жараёнини такомиллаشتариш;
- ахборот-коммуникация технологияларидан көнг фойдаланған холда банк ходимларини масофавий ўқитиши тизимини жорий этиш;
- ходимларни банкнинг ривожланишига күшган ҳиссасига мувоффик холда рағбатлантириш (КР) тизимини ишлаб чикиш;
- молия-банқ соҳасининг мухим йўналишлари бўйича етакчи олий ўқув юртлари билан узвий муносабатлар ўрнатиши.
- таълимга сармоя киритиши орқали банк тизимини малакали кадрлар билан бутлаш ҳамда кадрлар заҳирасини шакллантириш максадида молия-банқ йўналиши бўйича тахсил олаётган иқтидорли талабалар учун банк стипендиясини жорий этиш;
- талабаларнинг ўқув амалиётини ўтказишига янада қулай шарт-шароитлар яратиб бориш, амалиёт даврида уларни баҳолаш тизимини жорий этиш;
- хорижий давлатларнинг етакчи таълим муассасаларида, чет-эл банкларида банк ходимларининг малака оширишини тъминлаш, хорижий эксперларни жалб қилган ҳолда банкда ўкув курслари ва семинарларни ташкиллаштириш.

3. МОЛИЯВИЙ КЎРСАТКИЧЛАР (ДАРОМАД, ХАРАЖАТ ВА ФОЙДА)

2019 йилда банк олдига кўйилган устувор вазифаларнинг бажарилиши натижасида асосий молиявий кўрсаткичларнинг барқарор ўсиши режалаштирилмоқда.

Жумладан, 2019 йилда банк даромаддининг ўсиш даражасини 1,7 баробарга таъминлаган ҳолда, **1 250,8** млрд. сўмга етказиши режалаштирилди. Бу даромадларнинг **990,7** млрд. сўми фоизли даромадлар, **260,1** млрд. сўми фоизсиз даромадлардан ташкил топади. Фоизли даромадларнинг асосий қисми, яъни **814,1** млрд. сўми, ссуда ва лизинг операцияларидан олиниши кўзда тутилган. Фоизсиз даромадларнинг асосий қисмини эса **178,3** млрд. сўми, курсатилган хизматлар ва воситачилик операцияларидан олинган даромадлар ташкил этади.

2019 йилда жами **1 050,1** млрд. сўмлик банк харажатларини амалга ошириш режалаштирилган бўлиб, уларнинг **572,4** млрд. сўми

фоизели харажатлар, **71,8** млрд. сўми фоизсиз харажатлар ва **405,9** млрд. сўми операцион харажатлардан иборат бўлади.

Банкнинг соғ фойдаси 2019 йил учун – **200,7** млрд. сўм миқдорида белгиланган*.

***Изоҳ**

2018 йил якунлари бўйича жами **619,0** млрд. сўм даромад, **512,0** млрд. сўм харажат ва **107,0** млрд. сўм фойда олиш режалаштирилган..